O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 7 сентябрь № 189 (3464) Сешанба




## ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида юз берган фожеа жаҳон аҳлини ларзага солди. Бу мудҳиш воқеа террор балосининг мамлакат, миллат, ёш танламаслигини яна бир марта кўрсатди. Юзлаб гўдаклар, ўн гулидан бир гули очилмаган йигит-қизлар — мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар террор қурбони бўлди.

Шу муносабат билан Россияда 6-7 сентябрь кунлари мотам кунлари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 сентябрь куни Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига, Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Элчихонанинг Таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

— Шимолий Осетиядаги террорчилик туфайли ўз яқинларидан айрилганларга ва жабрланганларга таскин-тасалли бериш, таъзия изҳор этиш учун сўз топиш қийин, — деди Ислом Каримов. — Бесланда юз берган воқеаларни кузатишнинг ўзи жуда оғир. Террор кулфати халқимизнинг ҳам бошига тушган. Шу боис бутун мамлакатимиз аҳли Россия халқи билан ҳамдард.

Президент Ислом Каримов Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳамиша — яхши кунларда ҳам, мусибатли дамларда ҳам бирга эканини таъкидлади.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: таъзия билдириш пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ЖАРОҲАТ

***Бир кекса асалчи билан суҳбатда: “Бу соҳанинг оғир ботадиган ери асаларининг чақиши бўлса керак?” — деб сўраган эдим, отахон: “Йўқ”, — дедилар, кутилмаганда: “Энг оғир ери – асалари онасини ўлдириш. Ё эски, ёшини яшаб бўлган онани, ё янги чиққан оналардан бирини қолдириб, қолганларини ўлдиришга мажбурсан. Шундай қилмасанг, асаларилар қочиб кетади. Лекин Оллоҳ яратган тирик жонзотни ўлдириш – ўта оғир иш. Ҳар гал юракда бир жароҳат қолади...”***

Инсоният пайдо бўлганидан буён боши кулфатдан чиқмайдиганга ўхшайди. Лекин кулфатлар ичида урушдан хавфлироғи йўқ. Урушнинг ҳам тури кўп бўлар экан.

Болалигимиз муттасил уруш киноларини томоша қилиш даврига тўғри келган. Чунки Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонган собиқ иттифоқда бошқа мавзу қуриб қолгандек, уруш кинолари олишга ружу қўйилган эди, десак, хато бўлмас. Видеокассеталар замони бошланганда, булар ҳали ҳолва экан, деб ўйлаганман. Шундай "жангари" фильмлар чиқдики, одам боласининг ўз қавмига бундай ваҳшиёна азоб етказишларини кўриб, ҳар қандай юракка жароҳат инади.

Бу-ку кино экан. Энди Бесландаги воқеаларни тўғридан-тўғри телеэкранда кўриб туриш қанчалар оғир эканини тасаввурга келтиринг!

Қайси мамлакат фуқаролари, қайси диний эътиқод эгалари, қайси миллат вакиллари эканидан қатъи назар, Шимолий Осетиянинг бу мактабига бир эзгу мақсад — янги ўқув йили бошланишини тантана қилиш учун йиғилганлар одам-ку, Худонинг бандаси-ку. Нега улар кутилмаганда, бир лаҳзада шундай ёвузлик, шундай бахтсизликка дучор бўлиши, кўпининг умри шу ерда тугаши керак?! Нима учун бегуноҳ, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, дунёга келиб ҳали ҳеч нарсани кўриб улгурмаган норасида болалар таҳқирланиши, отиб ташланиши, жароҳат олиши, тириклай тилдан қолиши, онг-шуурида "инсон — энг ваҳший ҳайвон" деган тасаввур муҳрланиши, кўнглида ваҳшат, қўрқув, нафрат куртак отиши керак?

Жароҳатнинг каттаси шу эмасми? Бу жароҳатни инсоният қандай даволайди?..

Энг ёмони, терроризм деган балонинг ваҳшати ошгандан ошиб бораётибди. Наҳотки, олти миллиард одам шу бир ҳовуч газанданинг касрига қолиб ўтирса! Наҳотки, одамзод ўзидан чиққан бундай бало олдида ожиз бўлса?

Шимолий Осетиядаги жароҳат Ер юзидаги жамики инсофли-диёнатли, раҳмли-шафқатли одамларнинг юрагига оғриқ берди. Бугун бирон-бир мамлакат фуқароси: "Бўлса, фалон ерда бўлибди, бизга нима экан?" — дея олмайди, чунки хоҳлаган лаҳзада терроризм аждарҳоси дунёнинг исталган бурчагида бош кўтариб, тинч аҳолига олов пуркаши мумкин.

Бир нарсага диққат қилайлик.

31 август куни кечқурун Мустақиллик майдонида Ўзбекистонимиз Истиқлолининг 13 йиллиги катта тантана қилинди. Ҳаммада байрам кайфияти. Лекин Президент Ислом Каримов нутқида байрамона кайфиятни янада кўтарадиган илиқ сўзлар билан бирга мана бу жумлалар ҳам жаранглади: "**Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим**".

Юртбошимиз Ўзбекистоннинг танлаган йўлига ҳеч ким тўсиқ бўлолмаслигини таъкидлай туриб, яна: "**Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлиб, миллат ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак**", — деди.

Тинчлик учун курашмоғимиз керак! Бу шиор бугун, аввало, терроризмга қарши курашни англатади.

Матбуотда эълон қилинаётган расмий маълумотларга қараганда, халқаро террор ортида мўмай даромад топиш илинжи яширин. "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири Фарҳод Арзиевнинг Нью-Йоркдан тайёрлаб юборган мақоласида қайд этилишича, "ҳозирги вақтда халқаро терроризмнинг бир йиллик молиявий айланмаси 1,5 триллион долларга тенг экан. Бу дунё ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизи демакдир". Бундай молиявий имкониятга эга кучга қарши курашнинг ҳам ўзи бўлмаслиги аниқ. Террор бугун қурол-яроғ, нефть, олмос, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, турли хайрия жамғармаларнинг молиявий операциялари кетидан даромад топяпти. Тирикликнинг бундай исқирт йўлига ўтганлар одамларни гаровга олиб, уларни озод қилиш эвазига катта маблағ сўрашдан ҳам тап тортмайди.

Шулардан ҳам маълумки, терроризм ҳомийларининг асл мақсади дин ҳам, диний давлат қуриш ҳам эмас. Уларнинг дарди-фикри — ҳаром даромад орттириш, ноқонуний ва зўравонлик йўллари билан бойлик тўплаш.

Нафс — шайтоний. Нафсига берилган одам ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ахир, Бесландаги мактабнинг спорт залига мингдан зиёд одамни қамаган газан-

**(Давоми 3-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги 150-сон қарори билан тузилган Махсус комиссия томонидан қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларида тартиб ўрнатиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

2004/2005 ўқув йилида қишлоқ хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилишни режалаштиришда Махсус комиссиянинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини такомиллаштириш бўйича таклифлари ҳисобга олинган — 28 бакалавриат йўналишидан 10 йўналишга ўзгартиришлар киритилди ва 7 мутахассислик бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилди. Шу билан бирга 7 янги истиқболли мутахассислик киритилди. Ўқитишнинг янги — фермер хўжалигини бошқариш йўналиши қабул қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишларнинг аҳволига танқидий баҳо бериш бир қанча камчиликлар ва бузилишлар мавжудлигини кўрсатди, эскирган, ўз долзарблигини йўқотган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш давом этмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Собиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ходимларининг 28 фоиздан ортиғи, шу жумладан факультетлар раҳбарларининг 44 фоизи ва кафедра мудирларининг 29 фоизи аттестациядан ўтмади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда, Махсус комиссиянинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари бўйича бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторига ўзгартиришлар киритсин, уларни алоҳида “Қишлоқ ва сув хўжалиги” таълим йўналишига жамласинлар;

таълим йўналишларига қишлоқ ва сув хўжалигининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб тузатишлар киритган ҳолда бакалавриат таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторини ҳар уч йилда қайта кўриб чиқсинлар;

қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида янгидан жорий этилган — фермер хўжалигини бошқариш мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Ушбу муҳим устувор вазифани ҳал этиш учун:

2004/2005 ўқув йили мобайнида замонавий талабларга жавоб берадиган, фермер хўжалигини юритиш назарияси ва амалиёти билан уйғунлашган сифатли ўқув режалари ва дастурлар иш-

**(Давоми 2-бетда).**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга ўз номимдан ҳамда ватандошларим номидан самимий қутловлар йўллайман.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб ўтган 13 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилди. Бу муносабатлар терроризмга қарши муштарак курашимизнинг салмоқли асосини ҳам яратади.

Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни тобора жадаллаштириш ва демократияни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлашимни билдирмоқчиман.

Сизга ва оилангизга омонлик, сиҳат-саломатлик, ўзбек халқига эса эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

**ХОРСТ КЁЛЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллик куни муносабати билан Покистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига йўллаган энг самимий ва қизғин табрикларни қабул этгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги яқин биродарлик муносабатлари бундан буён ҳам янгича кўтаринкилик ила ривожланиб бораверишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Генерал ПАРВЕЗ МУШАРРАФ,**
**Покистон Ислом Республикаси Президенти.**

**(Давоми 2-бетда).**

## УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ НУР СОЧМОҚДА







*Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон талаба ёшларининг “Универсиада — 2004” спорт ўйинлари давом этмоқда*

Икки ҳафта спорт ишқибозлари диққат марказида бўлган Афина XXVIII ёзги Олимпиадаси якунланганига кўп бўлмади. 202 мамлакат спортчилари орасида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган 69 спортчимиз тенглар ичра тенглигини, дунёнинг манаман деган спортчилари билан бир сафда беллаша олишга қодир эканини намойиш этди. Бу муваффақиятлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан спортни ривожлантиришга берилаётган юксак эътибор самарасидир.

Кўҳна Афина ҳаяжони шу кунларда қадимий Самарқандга кўчган. Бу ерда 4 сентябрь куни тантанали очилган "кичик олимпиада" — "Универсиада-2004" мусобақалари қизғин давом этмоқда.

Мамлакатимизда учинчи маротаба ўтказилаётган ушбу спорт мусобақалари нафақат унинг қатнашчилари, балки барча ёшларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Зукко ва билимдон, кураш майдонларида тобланган, ирода ва эътиқоди мустаҳкам, беллашувларда чиниққан ёшларни тарбиялаш мамлакатимизда устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борада юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ республикамизда уч босқичли узлуксиз таълим тизими яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларни оммавий спортга жалб этишнинг янги, мустаҳкам учлик ҳалқасига асос солинди. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари — ушбу занжирнинг биринчи бўғини. Иккинчи бўғин — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ўйинлари, учинчи ҳалқа — талаба ёшларнинг "Универсиада" мусобақаларига боғланган. Янги таълим технологияси сифатида эътироф этилган бу тизим бугун кўплаб мамлакатлар томонидан ўрганилмоқда.

..."Универсиада-2004" ўйинлари тантанали очилган стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келди.

2000 йил Наманган шаҳрида ўтган биринчи универсиадада 1778 талаба спортнинг тўққиз тури бўйича беллашган эди. Бухорода эса (2002 йил) иштирокчилар сони салкам олти юз нафарга кўпайди. Универсиада дастурига сузиш, қўл тўпи, дзю-до ҳам қўшилгач, спорт турлари сони ўн иккитага етди. Вақт ўтган сари "кичик олимпиада" мукаммаллашиб, такомиллашиб бормоқда. Бу йил иштирокчилар сони яна 332 нафарга кўпайди. Ўн икки спорт тури қаторига эса мини-футбол, оғир атлетика ҳам қўшилди.

Универсиада иштирокчиларидан ташқари уч юздан зиёд мураббий, икки юзга яқин оммавий ахборот воситалари ходимлари, минглаб ишқибозлар бугун Самарқанд меҳмони.

"Универсиада-2004" ўйинларининг тантанали очилиш маросимини Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Универсиада-2004" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Олқишлардан ларзага келган стадион бир зум тин олди. Барчанинг нигоҳи қоронғуликни ёриб келаётган ёғдуга қадалди. У — 400 чақиримдан зиёд йўл босиб, мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларидан олиб ўтилган, Чотқол ёнбағридаги "Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик институтида 2 минг 600 даражадан ортиқ қуёш нурида шуъла олган машъала.

"Универсиада-2004" олови ёқилади. Бу шарафли ишонч Самарқанд давлат университети талабалари — кураш бўйича жаҳон чемпиони Фурқат Маматов ҳамда каратэ бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ситора Рофиевага насиб этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Самарқанд универсиадага жиддий тайёргарлик кўрди. Мусобақаларнинг очилиш маросими ўтказилган мазкур спорт мажмуи шакл-шамойили, мазмун-моҳияти билан бетакрордир. Самарқанд давлат университети ҳузуридаги академик лицей ва спортга ихтисослашган педагогика коллежининг 2100 ўринли ўқув бинолари, тўртта замонавий спорт зали бунёд этилди. Уларда юзлаб ёшлар спортнинг йигирмага яқин тури билан мунтазам шуғулланишлари мумкин. Ўн беш минг томошабинга мўлжалланган стадион эса халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Сўғдиёна мавзесидаги очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, "Динамо", "Локомотив" стадионлари, университет ва институтларнинг спорт мажмуалари қайтадан таъмирланди.

Ўзбекнинг қувончли куни, тўю-байрамлари куй-қўшиқсиз ўтмайди! "Универсиада-2004" мусобақаларининг очилиш маросимида ҳам юртимизнинг таниқли хонанда ва созандалари, раққосалари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

"Универсиада-2004" мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## Ишончсизлик авж олмоқда



**_Германиялик сайловчилар Герхард Шрёдер бошқарувидаги партияга ишонмаслигини яна бир бор исботлашди. Ўтган якшанба куни Заарланд ерида бўлиб ўтган сайловда Социал-демократлар 30,5 фоиз овоз олиб, учинчи ўринга тушиб қолди. Ҳозирда кўпчилик Христиан-демократларга ишонишмоқда. Улар 47,5 фоиз овоз жамғардилар._**

**_Кузатувчиларнинг фикрича, Социал-демократлар партиясига ишончсизликнинг авж олишига сабаб, мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлардан аҳолининг норозилигидир. Давлат бюджетидаги тақчилликни бартараф этиш мақсадида ҳукумат ишсизларга бериладиган ёрдам пули ва ижтимоий таъминотнинг сезиларли тарзда қисқартирганини германияликлар унча хушламай турибди. Ўтган ҳафта бир неча ўн минглаб аҳоли норозилик намойиши ўтказишди._**

## Байроқлар туширилди

**_Бесланда қурбон бўлганларни дафн қилиш маросими давом этмоқда. Кеча мотам куни муносабати билан бутун Россия бўйлаб байроқлар тушириб қўйилди. Расмий маълумотларга қараганда, 335 нафар одам қурбон бўлди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг берган маълумотларида таъкидланишича, уларнинг 197 нафари 17 ёшгача бўлган болалардир._**



**_Россия Бош прокурори ўринбосари Сергей Фридинскийнинг журналистларга маълум қилишича, мактаб 32 нафар жангари томонидан гаровга олинган. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабарида ўттизта жангарининг жасади топилгани айтилади._**

## Маълумот инкор этилди

**_Америкалик ҳарбийлар Саддам Ҳусайннинг яқин сафдоши Иззат Иброҳим Дури қўлга олинди, деган хабарни рад этди. Бу маълумотни Ироқ мудофаа вазири Ҳазим Шалаан ҳам тасдиқлади. Унинг Ливан телеканалларидан бирига берган интервьюсида, бу хабар асоссизлиги ва буни ким тарқатганлиги ноаниқлиги таъкидланади._**



**_Оқ уй томонидан уни топишда ёрдам берган одамга ўн миллион АҚШ доллари ваъда қилинган. Иззат Иброҳим Дури Саддам Ҳусайннинг ўринбосари бўлган. У қидирилаётган қора рўйхатнинг олтинчи ўрнида турибди._**

## Сув тошқини туфайли

**_Хитойда юз берган сув тошқини оқибатида қурбон бўлганлар сони 79 нафарга етди. Бундан ташқари, дом-дараксиз кетганлар 74 кишини ташкил қилади. Сичуан музофотидан олинган сўнгги хабарларга қараганда, 55 нафар одам ҳалок бўлган, яна 47 нафари бедарак йўқолган. Бу ҳақда Le Monde хабар тарқатди._**

*Жаҳон матбуоти саҳифаларида*

## Марказий Осиёнинг энг яхши қўшиқчиси

*Бельгиянинг етакчи «De Standaart» газетаси таниқли мусиқа танқидчиси Ala de Боекнинг Ломмель шаҳрида ўтказилган «Батуки» фестивалида ўзбек қўшиқчиси Севара Назархоннинг чиқишига бағишлаб «Марказий Осиёнинг энг яхши қўшиқчиси» мақоласини чоп этди. Эътиборингизга ушбу мақоланинг таржимасини қисқартирилган ҳолда ҳавола этмоқдамиз.*

«Ломмелдаги «Батуки» фестивалида ўзбек қўшиқчиси Севара Назархон «дунё микёсининг янги юлдузи» деб эълон қилинди.

26 ёшли Севара ўзининг гўзал овози, улкан таланти билан анъаналар ва эстрада мусиқаси ўртасида «кўприк» қура олди. Севара Бельгиядаги концертда катта маҳорат билан қўшиқ куйлади ва у 2005 йилда яна Бельгияга келади.

Ломмелдаги мусиқа фестивалида хонанда аксари қўшиқларни Би-Би-Си-3 радиостанцияси томонидан «Осиёнинг энг яхши қўшиқчиси» номинациясига лойиқ топилган ўзининг «Йўл бўлсин» қўшиқ альбоми репертуаридан ижро этди.

Севара халқ ва эстрада мусиқачилиги ўртасида боғланишлар яратганидан сўнг унинг ижодида яккахон қўшиқчилик даври бошланди.

У Ўзбекистонда Марказий Осиёнинг бой анъаналарига катта ҳисса қўшаётган эстрада қўшиқчиси сифатида машҳурдир.

Ломмелда Севара Назархон ўз чиқишини тамбурнинг сержило таронаси ижросида «Газли» қўшиғи билан очди. Унинг иккинчи қўшиғи «Ёр-ёр» клавишли асбоблар, виолончель ва тамбур жўрлигида ўзига хос анъанавий фольклор мусиқа муҳитини яратди».

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Брюссель.**

## Муаммолар ечимини излаб

Ҳиндистон ва Покистон сўнгги пайтларда ўзаро муносабатларни тиклаш, ўртадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга астойдил киришганга ўхшайди. Жорий йилда икки давлат ҳукуматларининг бу борада амалга ошираётган ишлари ҳам бундан дарак бериб турибди. Бироқ, икки ядровий давлатни бир-бирига яқинлашишга йўл қўймаётган муаммолар ҳамон мавжуд. Улардан асосийси, албатта, Кашмир масаласидир. Мана ярим асрдан зиёд вақт мобайнида Деҳли ва Исломобод муаммони ечиш учун турли йўналишларда саъй-ҳаракатларни амалга оширишга уриниб кўрди. Аммо кўриниб турганидек, масала йиллар давомида ўз ечимини топмаяпти.



Ўтган якшанба куни Деҳлида бошланган Ҳиндистон ва Покистон ташқи ишлар вазирларининг сўнгги уч йил ичидаги илк бор расмий учрашуви ҳам Кашмир муаммоси, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг илиқлашишига тўсқинлик қилаётган бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилди.

Музокараларнинг биринчи куниёқ Ҳиндистон ва Покистон ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарлари Натвар Синх ҳамда Хуршид Маҳмуд Касурий давлатлар ўртасида тинчлик ўрнатиш жараёнига янгича руҳ бағишлаш хоҳиши мавжудлиги тўғрисида баёнот беришди.

Айтиш лозимки, ушбу музокаралар илиқ бошланганi билан, томонлар позицияларидаги жиддий келишмовчиликлар сақланиб қолаяпти. Хусусан, Покистон асосий диққатни Кашмир муаммосини ҳал этишга қаратишни истаса, Ҳиндистон муҳокама қилинадиган масалалар кўлами бундан-да кенгроқ бўлишини хоҳлайди.

Музокаралардан аввал икки давлат вакиллари Кашмир муаммосини ҳал этишга қаратилган режани маъқуллашди. Бироқ режанинг тафсилотлари ҳали маълум қилинганича йўқ. Баъзи маълумотларда Ҳиндистон Кашмирни иккига бўлиб турувчи демаркация чизиғи назоратини бирмунча соддалаштириши мумкинлиги айтилган. Яна Кашмирнинг икки томонини боғловчи йўловчи транспорт алоқаси тикланишига рухсат берилиши ҳам мумкин.

Шу билан бир пайтда, Ҳиндистон Бош вазири Маномохан Сингх Кашмирдаги исёнчи гуруҳлар зўравонликларни тўхтатишса, улар билан музокаралар бошлашга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, Ҳиндистон Бош вазири ҳам Покистон билан муносабатларнинг тикланиши ва мустаҳкамланиши тарафдори эканини маълум қилди.

Албатта, ушбу музокаралар Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муаммоларнинг барчасини ҳал этиши, амримаҳол. Кузатувчилар ҳам мазкур музокараларда айтарли натижаларга эришиш мушкуллигини таъкидлашаётир. Лекин икки давлатнинг ўзаро муносабатларни тиклаш йўлидаги ҳаракатлари келажакда уларнинг яхши қўшничилик алоқаларининг ўрнатилиши, натижада Жанубий Осиёда яна бир оловли нуқта барҳам топишида муҳим омил бўлиши мумкин.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

## Флоридада довул

**_Флоридада бир неча кундан буён «Фрэнсис» деб номланувчи довул давом этмоқда. Натижада кўплаб иншоотлар ва турар-жой биноларига жиддий зарар етмоқда. Шу муносабат билан маҳаллий ҳукумат флоридаликларни кўчага чиқмасликка чақирди._**

**_Айни пайтда икки миллион уйлар электр энергиясиз қолди. 2,5 миллион аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди._**



# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

(Давоми. Боши 1-бетда).

далар амалга оширган ваҳшийликни дунё қачон кўрибди? Халқда, ҳатто, бўри ҳам болага тегмайди, деган қараш бор. Бу ваҳшийдан-ваҳший террорчи кимсалар бегуноҳ одамларни, уларга қўшиб болаларни ҳам ўққа тутди. Ҳалок бўлганларнинг сони 335 нафардан ошиб кетди. Яна қанчаси оғир аҳволда касалхоналарда ётибди. Булар ҳали — ҳисобга олиб улгурилганлари.

Бу ёқда шунча фожиа. Оғзига кучи етмаганлар эса терроризмнинг асл моҳияти, унинг маразли башараси бир ёқда қолиб, қонхўрлик орқали ўзларининг мақсадларига эришмоқчи бўлади — гапни шу террорчилик содир бўлган мамлакат ички муаммоларини рўкач қилади.

Террорнинг кутгани ўзи айнан шу эмасми? Яъни одамлар ўртасига ғулғула солиш, кишиларда ваҳима пайдо қилиш, у ё бу мамлакатнинг тинчини бузиб, тараққиёт маромини издан чиқариш, одамларни, халқларни бир-бирига гиж-гижлаш, улар ўртасида миллий ёки диний низолар келтириб чиқариш ва ҳоказо.

Энг ёмони, террор кун сайин

## ЖАРОҲАТ

"пўстин"ини ўзгартириб боряпти. Энди у худкушликни одат қилди. Ҳолбуки, шариатда ўзини ўзи ўлдирганга жаноза раво эмас. Шундай шайтоний йўлга кирганлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги яра қайдаражада маддалаб кетганидан далолат беради.

Одамзод бундай ваҳшийликка қарши турмаса, бўлмайди. Назаримда, бу худди жаҳон урушидек, ундан ҳам хавфлироқ. Чунки терроризмнинг жанггоҳи номаълум, уруш қуроллари ҳам, усуллари ҳам ўзгариб туради. Ер юзидаги ҳеч бир мамлакатнинг ўзини бу урушдан четда ҳисоблашга ҳаққи йўқ.

Қаерда ва қандай юз берганидан қатъи назар, халқаро терроризм давлатлараро, ҳатто, минтақалараро муносабатлар даражаси, ўртадаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий фарқлар, ҳатто, айрим низоларни ҳам унутиш, бир четга йиғиштириб қўйиб, биргаликда кураш олиб боришни тақозо этаётибди.

Шу маънода, Бесланда амалга оширилган ваҳшийликлар ҳар бир ўзбекистонлик қалбига ҳам қаттиқ жароҳат етказди. Бу эса ҳар биримизни мамлакатимизда тинчликни ва осойишталикни таъминлаш йўлида қилинаётган ишлар бекорга эмаслигини, бунинг асл моҳиятини теран англашга, бир лаҳза ҳам бефарқ бўлмасликка, орамиздан душман чиқмаслигига эришишга ундайди.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари.**

## Туркия ЕИга аъзо бўладими?

Расмий Анқара, мана ўн йилдан зиёдроқ вақт мобайнида, Европа Иттифоқига аъзо бўлишга интилаяпти. Сўнгги уч йил ичида Туркия ҳукумати мамлакат конституцияси ва қонунчилигини тубдан ислоҳ қилди. Мамлакатда барча этник жиҳатдан озчиликни ташкил қиладиган миллат ва элатларга эркинлик берилди, ўлим жазоси бекор қилинди. Яна Туркия ҳукумати қийноқлар учун жазони кучайтирди ва бу борада бошқа ишларни амалга оширди.

Еврокомиссия ушбу ўзгаришларни қўллаб-қувватлади. Бироқ уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши бўйича шубҳа билдиришди. Энди Европа Иттифоқининг кенгайиш бўйича комиссари Гюнтер Ферхойген Туркияда қатор учрашувлар ўтказишни режалаштираяпти. Унинг натижаларига кўра, Туркия Европа Иттифоқига киришга номзод бўлишга лойиқлиги тўғрисида ҳужжат расмийлаштирилади.

Айтиш лозимки, Еврокомиссиянинг ижобий баҳоси Туркиянинг ЕИга аъзолигига номзод бўлишига кафолат бермайди. Бироқ ҳисобот салбий бўлса, у Туркиянинг ЕИга киришига қарши бўлганларга қўл келиши мумкин.

Шундай қилиб Гюнтер Ферхойгеннинг Туркияга яқин кунлардаги сафари мамлакат учун муҳимдир.

Жорий йилнинг декабрь ойида эса ЕИга аъзо давлатлари Туркиянинг Европа ҳамжамиятига кириши бўйича музокаралар бошлаш ёки бошламаслик тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Еврокомиссиянинг мазкур учрашувлар бўйича октябрь ойидаги ҳисоботи бу қарорнинг қандай бўлишида катта аҳамият касб этиши мумкин.

## Intelнинг янги процессорлари

Биринчи компьютерни яратишга қўл урган одамни дўстлари ақлдан озган дея таърифлашган экан. Бугунга келиб эса компьютер инсон ҳаётининг деярли барча соҳасига кириб келди. Вақт ўтган сари эса компьютер технологиялари янада ривожланиб бормоқда.

Intel компанияси янги компьютер процессорини ишлаб чиқди. Қизиғи шундаки, процессор кучи оширилганлигига қарамай, унинг вазни ва ўлчови ўзгаргани йўқ. Янги ихтиро кузатувчиларнинг компания технологик имкониятларини тўла намоён қилиб бўлди деган фаразларини чиппакка чиқарди.

Янги процессорни яратиш учун компания бошқа транзисторлар ҳажмини 30 фоизга қисқартирди. Бу эса аввалги майдонда кўпроқ транзисторларни жойлаштириш имконини берди.

Ихтиро шунингдек Intelнинг энг катта рақобатчиси бўлган AMD компаниясидан ўзиб кетишга ва кўпроқ даромад кўришга имкон яратди.

Intel компанияси асосчиси Гордон Мур 1960-йилларда процессорлар кучи ҳар икки йилда ошиб бораверишини башорат қилганди. Бир неча ўнйилликлар давомида шундай бўлди ҳам. Бироқ юқори технологияларнинг шиддат билан ривожланиши бу жараённи тезлаштирмоқда. Яъни процессорлар бир йилдаёқ маънан эскирмоқда.

Intel томонидан яратилган янги процессорлар иш самарадорлигини янада оширди. Натижада янада кучли компьютерлар пайдо бўла бошлади. Технологияларнинг бундай ривожланиши бир вақтлари фантастик асарлардагина учраган ҳаёт тарзини борган сари ҳақиқатга айлантирмоқда.

**Хуршид РАУПОВ**

*Футбол*

## Олдинда Фаластин «довони»

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионати — 2006 йилда саралаш ўйинларида иштирок этиш учун Қатар пойтахти Дохага учиб кетишади. У ерда футболчиларимиз Фаластин терма жамоасига қарши майдонга тушишади. Хабарингиз бор, Фаластин сиёсий нотинч вазият боис беллашувларни ўз майдонида эмас, балки қўшни давлат — Қатарда ўтказаяпти. Вакилларимизни қийин ва масъулиятли учрашув кутиб турибди. Бундай дейишимизга бир неча сабаблар бор, албатта. Биринчидан, Фаластин гуруҳдан чиқиш имкониятини ҳозирча йўқотгани йўқ. Улар бизни мағлубиятга учратсаю, Ироқ Хитой-Тайпейи билан дуранг натижани қайд этса, ўз-ўзидан Фаластин гуруҳ пешқадамига айланади. Иккинчидан, Фаластин терма жамоаси Осиё ўртамиёналарининг энг кучлиларидан бири сифатида ҳар қандай рақибга осонликча таслим бўлмайди. Буни улар Ироққа қарши кечган учрашувда исботлашди. Ўшанда улар 0:2 ҳисобида ортда қола туриб охир-оқибат дурангга эришган эдилар. Учинчидан, Фаластин Тошкентда қайд этилган йирик ҳисобдаги мағлубият аламини олиш учун тўп суради.

Тошкентдаги учрашувда Фаластин 3:0 ҳисобида мағлуб этилган ва бизнинг футболчиларимиз гуруҳ пешқадами сифатида майдонга тушишади.

Яна бир гап. Фаластинни қайсидир маънода дуранг натижа ҳам қониқтириши мумкин. Зеро, уларнинг ўзлари ҳам якунда гуруҳ ғолиби бўлишларига у қадар ишонишмаса керак. Бизни эса дуранг ҳам қониқтирмайди. Чунки биз дуранг натижа қайд этсаг-у Ироқ Хитой-Тайпейини мағлубиятга учратса, биз гуруҳ пешқадамлигидан айрилиб қоламиз. Якунда эса бу бизга қимматга тушиши мумкин. Шунинг учун футболчиларимиздан фақат ғалаба кутиб қоламиз.

**Дилшод ТЎХТАЕВ.**

## Дўст синовда билинади

Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон ўртасидаги алоқалар ҳамиша ўзаро ишонч, дўстлик, яқин қўшничилик, тенг манфаатли ҳамкорлик ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланган ҳолда ривожланиб келган.

Афғонистон иқтисодиётини тиклаш жараёнида Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Чунки, Ўзбекистон тарихан Афғонистон билан маданий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий соҳаларда яқин. XX асрнинг 60-80 йилларида Афғонистонда ирригация, гидроэнергия тизимлари инфратузилмасини қурилишида мамлакатимиз мутахассислари фаол иштирок этганлар.

Фақатгина охирги ойнинг ўзида икки томонлама муҳокамалар натижасида саккизта протокол имзоланди. Бу ҳужжатларга асосан Жалолобод ирригация комплекси, афғон нефтгаз секторларини қайта таъмирлаш, Мозори-Шарифда дала госпитали ва дори-дармон ишлаб чиқариш қўшма фабрикасини қуришда асосий ўрин Ўзбекистонга берилади. Афғонистон ҳукумати Мозори-Шариф–Ҳайратон шоссесини қурилишига ўзбек корхоналарини жалб қилинишига қизиқиш билдирмоқда. Бу эса Афғонистон Ўзбекистонни ўзининг асосий ҳамкори сифатида кўраётганлигини намоён этувчи омилдир.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистонни тикланиш жараёнида иштирок этишда катта қизиқиш билдирмоқда ва ушбу масала билан БМТ дастури раҳбариятига мазкур масала бўйича таклиф асосида мурожаат этди. Афғонистоннинг тикланиш жараёнида Ўзбекистон иштироки учун ҳукумат кенг имкониятлар доирасини аниқлаб қўйган, шу жумладан, ўқиш ва тажриба алмашиш бўйича дастурларни ташкил қилиш – унда соғлиқни сақлаш ва маориф соҳасида ишлайдиган ўзбек мутахассисларининг иштирокини таъминлаш ҳам кўзда тутилди.

2003 йилда Ўзбекистон мутахассислари томонидан Афғонистон ҳудудида 10 та кўприк қурилиб, ишга туширилди.

"Термиз-Ҳайратон" кўприги орқали Афғонистонга кейинги йилларда қарийиб 1,5 миллион тонна ҳажмида инсонпарварлик юклари ўтказилган.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг бир қанча мутасадди ташкилотлари афғон иқтисодини тиклаш жараёнида иштирок этиш мақсадида бу юртда ўз ваколатхоналарини очиш учун тараддуд кўрмоқдалар. Афғонистонда эълон қилинган халқаро тендерларга мамлакатимизнинг «Ўзавтойўл", "Ўзбекэнерго" ва бошқа компаниялари ўзларининг лойиҳа ва ҳужжатларини тақдим этганлар.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистон ҳудудида миллатимизнинг буюк сиймолари дафн этилган муқаддас қадамжоларни қайта таъмирлаш ва обод қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси ва унинг атрофини обод қилиш ишлари бошлаб юборилган. Кобул шаҳрида жойлашган Заҳриддин Муҳаммад Бобур боғи ҳамда Мозори-Шарифдаги Амир Темур боғини ободонлаштириш мақсадида Наврўз байрами арафасида Ўзбекистондан 11 минг туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистонга жўнатилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан бир қаторда афғон замини иқтисодини тиклаш жараёнига ўзининг ҳолисона ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Собиржон РАЖАБОВ.**




## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ

Пойтахтимизда мамлакатимиз халқи учун энг азиз ва энг улуғ байрам — Мустақиллик куни арафасида янги ноёб маданият маркази — Ўзбекистон тасвирий санъат галереясининг эшиклари очилди. Бу галереяни барпо этиш ғоясини мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўртага ташлаган эди.

Илдизлари Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий жаҳон маданияти марказларининг меъморий ёдгорликларига бориб тақаладиган, анъанавий миллий услубда барпо этилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси бу турдаги иншоотлар олдига қўйиладиган барча талабларга жавоб беради.

Галереяга ташриф буюрган Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон пойтахтининг янгитдан шакллантирилаётган марказида муносиб ўрин эгаллаган объектни барпо этишда қатнашган меъморлар, муҳандислар, қурувчиларнинг хизматларини муносиб баҳолади. Чунки, мазкур иншоотни бунёд этишда ўзбек усталарининг бой меъморий-тарихий меросидангина эмас, балки анъанавий маҳаллий қурилиш материалларидан ҳам кенг фойдаланилган. Уни қуришда Италия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Россиядаги энг катта музейлар ва кўргазма заллари тўплаган тажриба ҳисобга олинган. Бу ҳозирги кунда Марказий Осиёдагина эмас, балки МДҲ мамлакатларининг бирортасида ҳам топилмайдиган тенги йўқ ноёб маданий иншоот барпо этиш имконини берди.

Галереяни жиҳозлашда қўлланилган энг замонавий ускуналар экспонатларни намойиш этиш ҳамда сақлаш учун зарур ҳарорат, намлик ва қўриқлаш билан боғлиқ энг қатъий шартларга риоя этилишини таъминлайди. Бинода маърузалар ва кино заллари, кутубхона, мўйқалам усталари тажриба алмашадиган студия, устахоналар мавжуд. Буларнинг барчаси галереяга санъатшунослик маркази вазифасини бажариш, юксак профессионал даражада тадқиқот ва таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, нуфузли халқаро кўргазмаларни қабул қилиш имконини беради.



Тасвирий санъат галереясининг биринчи экспозициясида 300 дан ортиқ картина намойиш этилди. Булар Ўзбекистоннинг XX асрдаги ўзига хос бадиий-тасвирий санъати намуналари бўлиб, улар орасида Ў.Тансиқбоев, Усто Мўмин, А.Абдуллаев, Н.Қўзибоев, М.Йўлдошев, Р.Гаглоева, Б.Жалолов, Л.Бурэ, П.Беньков каби таниқли мусаввирларнинг мўйқаламига мансуб асарларни ҳам, ёш рассомларнинг замондошларимиз турмуши акс эттирилган, республикамизнинг бугунги куни ва келажагини белгилаб берадиган воқеа-ҳодисалар ифодаланган асарларини ҳам кўришимиз мумкин.

Давлатимизнинг қадимги тарихини ўзида акс эттирган тарихий тангалар коллекцияси эса галерея экспозициясида алоҳида ўрин тутади.



Экспозицияни кўздан кечириш чоғида Президент миллатнинг маънавий ривожланиши ҳозирги Ўзбекистон қарор топишининг асосий принципларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

«Ҳар қандай мамлакат, — деб таъкидлади Юртбошимиз, завод ёки фабрика қуриши мумкин, лекин ҳамма давлат ҳам картина галереяси ёки музей яратишга қодир бўлавермайди. Шундай экан, ўзимизнинг Тасвирий санъат галереямиз барпо этилгани ўзбек халқи маънавий такомиллашувга, унинг бетакрор маданий ва маънавий меросини сақлаб қолиш ҳамда кўпайтиришга қаттиқ интилишидан далолат беради, зеро, бусиз мамлакатни кутаётган буюк келажак ҳам бўлмайди».

Галерея мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди қалбига таъсир кўрсатиб, уни мардлик ва меҳр-оқибатга даъват этиб, маънавий камол топтиришда ёрдам бериши керак. Шунда у, шак-шубҳасиз, халқимиз бой маънавий турмушининг ажралмас қисмига айланади».

**Миллий банк матбуот хизмати.** t


# Vacancy announcement

EDP Enterprise Development Project

# Relationship manager

**USAID Enterprise Development Project implemented by Pragma Corporation invites applications from suitable qualified candidates for the position of Relationship Manager at its Tashkent, Uzbekistan office.**

**Responsibilities:** Take charge of and develop portfolio of client enterprises, function as lead staff for comprehensive integrated approach to strategic development of portfolio clients, design and implement new strategies for SMEs, maintain database for client enterprises, and work with and coordinate international volunteer assistance to enterprises.

**Qualifications & Experience Required:**

- Undergraduate degree/diploma, preferably in business, finance, marketing, or management;
- At least three years work experience; SME management or SME development experience is a plus;
- Proven ability to work independently and coordinate various programs and tasks;
- Atitude to provide value-added business consulting to enterprises in wide-range of industries.

**Additional Skills Needed:**

- Communications: fluency in English, Russian and Uzbek;
- Teamwork: The Enterprise Development Project functions on a team approach to work thus all staff must be team players;
- Technology: knowledge of and proficiency in Microsoft office products.

**Citizen of Uzbekistan with the required qualifications, experience and skills are invited to send their curricula vitae with a covering letter to Michael B. Dan - Country Director of Uzbekistan by e-mail at: recruiting@pragma.buzton.com or fax: (+998 71) 1207426, please include the reference "Relationship Manager" in the subject line. Short listed candidates will be contacted for interviews. The deadline for sending resumes is September 14, 2004.**

